



**Меҳр тафтини
маҳалладаги
ҳар бир аёл ҳис этади**

2-с.

**“Интилиш, қатъият,
тўғри ёндашув билан
муаммога ечим топяпмиз”**

3-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

**№11
(2339)**

**2026 йил
11 ФЕВРАЛЬ,
ЧОРШАНБА**

Маҳалла

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

ҚИСҚАЧА ШАРҲ

“ОҒИР” МАҲАЛЛАЛАРДА КИЧИК ҚУЁШ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ ҚУРИЛАДИ

“Оғир” маҳаллаларда кичик қуёш электр станцияларини барпо этиш орқали камбағал оилаларни қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори имзоланди.



Айтиш керакки, “оғир” маҳаллаларда аҳолини ишли қилиш ҳамда даромадини кўпайтириш учун, энг аввало, бундай ҳудудларни барқарор электр билан таъминлаш зарур. Шу мақсадда камбағаллик даражаси юқори бўлган **903 та “оғир” маҳаллага** даромад келтирадиган актив сифатида 300-500 кВт. соат қувватдаги кичик қуёш станциялари қуриб берилади. Лойиҳани молиялаштириш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан **110 миллион доллар** маблағ ажратилади.

Белгиланган тартибга кўра, станциялар маҳаллага бегараз актив сифатида берилади, улардан олинган “яшил” энергия ҳисобидан **ҳар бир маҳаллада 400-500 миллион сўм** қўшимча даромад келтирадиган иқтисодий актив пайдо бўлади. Бу жараёнда электр энергиясини сотишдан тушадиган маблағлар **“Маҳалла бюджети”га** йўналтирилади. Бу “яшил” даромад эҳтиёжманд хонадонни “яшил” таъмирдан чиқариб, энергия харажатини камайтириш ва турмуш сифатини яхшилашга сарфланади.

Қуёш станцияларини эксплуатация қилишга мазкур маҳаллаларда яшовчи камбағал оила аъзолари ишга олинади. 1-гуруҳ ногиронлиги бўлиб, оиласида меҳнатга лаёқатли аъзоси бўлмаган **6 700 та хонадон** энергия тежамкор қилиб таъмирланади. Бу ишлар ихтисослашув даражаси юқори бўлган **яна 1 мингта илгор маҳаллада** ҳам амалга оширилади. Кичик қуёш станциялари тайёр ҳолда **7 йил** муддатга маҳаллаларга **фоизсиз лизингга** берилади.

4-саҳифа

Оила тутумида аёл заковати, матонати, маҳорати ҳамиша керак



5-саҳифа

Даромаднинг энг яхшиси, ўзинг, ўз қўлинг билан топганингдир



УЮШМА КУНДАЛИГИ

“ЕТТИЛИК”НИНГ БИРГАЛИКДАГИ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Республика маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда маҳаллалар фаолиятини самарали ташкил этиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш ҳамда мавжуд муаммоларга тизимли ечимлар ишлаб чиқиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.



Дастлаб жорий йилнинг январь ойида “маҳалла еттилиги” аъзоларининг ишга келиб-кетish ҳолати таҳлил қилиниб, давомат табелини расмийлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, маҳаллаларда ижтимоий муҳитни яхшилаш ҳамда инфратузилмани ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар кўриб чиқилди.

Маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат хавфсизлигини мустаҳкамлаш ҳамда келгусида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб олинди. Мулоқот якунида февраль-март ойларида маҳаллаларда тозалаш ва ободонлаштириш ишларини тизимли ташкил этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, масъулларга тегишли топшириқлар берилди.

МОҲИЯТ



3,5 МИНГТА МАҲАЛЛА КАМБАҒАЛЛИК ВА ИШСИЗЛИКДАН ХОЛИ БЎЛАДИ

“2026 йилда ҳудудларни янгича ёндашувлар асосида ривожлантириш орқали аҳоли даромадини ошириш, барқарор иш ўринларини яратиш ҳамда камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди.

Қарор билан 2026 йилда камбағаллик даражасини **2,8 фоизгача**, ишсизлик даражасини **4,5 фоизгача** пасайтириш, **1 миллион нафар** аҳолини доимий иш ўринларига жойлаштириш ва **4 миллион нафар** аҳоли даромадини ошириш белгиланган. **263 мингта** камбағал оила (**1,1 миллион нафар аҳоли**) уларнинг даромадини оширишга қаратилган хизматлар билан қамраб олинади.

Камбағаллик ва ишсизликдан холи маҳаллалар сони **3,5 мингтага** етказилади. **1 миллионга** норасмий иш ўринлари легаллаштирилади. **37 та оғир тоифали** туманда камбағаллик даражасини камида икки бараварга қисқартириш ҳамда **Янги Ўзбекистон қиёфасидаги** 33 та туман ва шаҳарни камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш мақсад қилинган.

Давоми 2-саҳифада.

**БУГУНГИ
СОНДА:**

**Қалбларга малҳам керак,
меҳр-мурувват зарур**

Юракнинг оғриқли ирмоқларидан сизиб чиққан кўзёшларни артиш билан дарддан фориг бўлиш қийин. Унга малҳам керак, меҳр ва мурувват зарур.

6-с.

**Тартиб-қоида бор жойда
тадбиркор ҳам, харидор ҳам
ютқазмайди?**

Чек сўрашдан уялманг. Сиз чек олсангиз, савдо шаффоф бўлади, солиқ тушуми ошади, маҳалла, туман ривожланади.

7-с.

**Жамоатчилик таъсири
қонун “қамчиси”дан енгил,
аммо самарали**

Сайёр судни шахсни “сазойи” қилиш эмас, бошқалар учун сабоқ, деб тушуниш ва тўғри тушунтириш ҳам керак.

8-с.



Президент Шавкат Мирзиёев ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА янги ерларни ўзлаштириш бўйича таклифлар тақдироти билан танишди.



“Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.



“МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ ТИЗИМИНИ янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Президент Фармони қабул қилинди.

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

МОҲИЯТ

3,5 МИНГТА МАҲАЛЛА КАМБАҒАЛЛИК ВА ИШСИЗЛИКДАН ХОЛИ БЎЛАДИ

Санжар ИСМАТОВ.

903 та маҳаллада “ислохот дастури” йўлга қўйилади

Қарорга асосан, маҳаллаларда бизнес инфратузилмасини яхшилаш ва уларнинг ихтисослашувини чуқурлаштириш мақсадида 903 та “оғир” маҳалланинг рўйхати шакллантирилади. Ҳар бир “оғир” маҳалла бўйича томоғқа ерлари ва ижарага берилган ерлардан самарали фойдаланиш, тадбиркорлик учун қулай инфратузилма яратиш, туман марказига элтувчи йўллари таъмирлаш бўйича “ислохот дастури” ишлаб чиқилади.



ЧУҚУР ИХТИСОСЛАШГАН 1 МИНГТА МАҲАЛЛАДА 300-500 КВТ./СОАТ ҚУВВАТГА ЭГА КИЧИК ҚУЁШ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРИ БАРПО ЭТИЛАДИ ВА УЛАР 7 ЙИЛ МУДДАТГА МАҲАЛЛАЛАРГА ИМТИЁЗЛИ ШАРТЛАРДА ЛИЗИНГГА БЕРИЛАДИ.

Дехқон хўжаликлари ва томоғқа ер эгалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан айрим молиявий қўллаб-қувватлаш тартиблари жорий этилади. Жумладан, юқори даромадли маҳсулот етиштиришни йўлга қўйиш мақсадида уста дехқонларга ҳар 10 та хонадонни ихтисослаштиргани учун — 2 миллион сўм ҳамда маҳалладаги хонадонларнинг 30 фоизини ихтисослаштиргани учун — 75 миллион сўм миқдорда субсидия ажратилади.

Қолаверса, томоғқа ва ижара ер майдонларидаги самарасиз эски боғларни реконструкция қилиш ва янгиларини барпо этиш учун субсидиялар берилди. Хусусан, сув таъминоти оғир бўлган ҳудудларда томоғқа ва ижара ер майдонларини сугориш учун тик қудуқларни бурғилаш ва қуввати 10 кВт. соатдан кам бўлмаган қуёш панеллини ўрнатиш учун харажатларнинг 70 фоизи, бироқ 200 миллион сўмдан ошмаган миқдорда қўллаб-қувватланади.

Қарорнинг муҳим жиҳати, бу — тадбиркорликни йўлга қўйиш истагида бўлганларга гаров таъминотисиз бериладиган кредитлар миқдори оширилди. Яъни оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида маҳаллаларда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган фуқароларга (ўзини ўзи банд қилган шахсларга) 50 миллион сўмгача гаровсиз кредит тақдим этилади.

Чорвачиликка ихтисослашган маҳаллаларда импорт қилинган ва сертификатланган наслии чорва моллари хариди ва туячилик учун кредит миқдори 100 миллион сўмгача оширилади. Туризм салоҳияти юқори бўлган маҳаллаларда уй меҳмонхоналарини

ташқил қилишга 150 миллион сўмгача гаровсиз кредитлар ажратилади. Энг муҳими, кредитлар ҳисобига товар ва хизматларни олдиндан етказиб бериш талаби бекор қилинади.

2026 йил 1 мартдан “маҳалла лойиҳаси” дастури доирасида йиғинлар ихтисослашувини чуқурлаштириш бўйича ажратиладиган кредитлар фоиз ставкасининг бир қисмига компенсация тўланади.

АҲОЛИНИНГ ДАРОМАДИНИ ОШИРИШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ БЎЙИЧА ЭНГ ЯХШИ НАТИЖА КЎРСАТГАН 100 ТА “ОҒИР” МАҲАЛЛАГА ҚЎШИМЧД 1 МИЛЛИАРД СЎМДАН АЖРАТИЛАДИ.

Хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчисини ҳоким тайинлайди

Қарорга кўра, 2026 йил 1 мартдан “маҳалла еттилиги” ҳулосасига асосан, Ижтимоий реестрдаги I гуруҳ ногиронлиги бўлган ва меҳнатга лаёқатли аъзоси бўлмаган оилалар хонадонларининг девор ва томларини изоляция қилиш, энергия тежамкор дераза ва эшик ҳамда қуёш панеллари ёки гелиоколлектор ўрнатиш ишлари амалга оширилади. Оғир тоифадаги туманларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредитлар йиллик 12 фоиз ставкада ажратилади.

2026 ЙИЛ 1 МАРТДАН ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛИ ВА ЁШЛАР ЕТАКЧИСИНИ ТУМАН ВА ШАҲАР ҲОКИМИ ЛАВОЗИМГА ТАЙИНЛАЙДИ ВА ЛАВОЗИМИДАН ОЗОД ЭТИЛАДИ.

Қарорга кўра, ҳоким ёрдамчиси хатлов асосида аниқланган норасмий бандлик ҳолатлари бўйича уларни бартараф этиш юзасидан “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексида иш берувчиларнинг шахсий кабинетларига оғолантириш хати юборилади. Иш берувчилар аниқланган қонунбузилиш ҳолатини 3 иш кунини ичида ихтиёрий равишда бартараф этмаган тақдирда, ушбу ҳолат Давлат меҳнат инспекцияси текшириш ўтказиши учун асос ҳисобланади. 1 ой ичида масала ҳал этилса, иш берувчилар маъмурий жавобгарликдан озод этилади.

Қарорга кўра, 2026 йил 1 мартдан бошлаб, оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида ажратилган кредитлар бўйича муаммоли қарздорликни ундириш натижасида ҳоким ёрдамчиларига бонус тўловлари ажратилади. Хусусан, 2022 йилгача ажратилган кредитлар бўйича — ундирилган сумманинг 20 фоизи, 2022-2025 йил 1 январгача ажратилган кредитлар бўйича — 10 фоизи бонус сифатида қўшиб берилди.

Умуман олганда, Президент қароридан 2026 йилда камбағалликни қисқартириш ва аҳоли даромадларини ошириш йўналишида маҳаллаларда амалга ошириладиган вазифалар бирма-бир кўрсатиб берилди. Уларни йўлга қўйиш тартиблари ва моддий асослари аниқ белгиланди. Эндиги асосий вазифа: ҳар бир маҳаллада қарор ижросини самарали йўлга қўйиш, “оғир” маҳаллаларни бу тоифадан олиб чиқиш, камбағаллик ва ишсизликка барҳам бериш саналади.

Молиявий манба аниқ: 164,7 триллион сўм!

Ҳужжатга асосан, 2026 йилда лойиҳавий ёндашув асосида камбағалликни қисқартириш ва аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадларига 164,7 триллион сўм йўналтирилади. Жумладан, маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар учун 20 триллион сўм, 37 та “оғир” тоифадаги туман ва 903 та “оғир” маҳаллаларда тадбиркорлик инфратузилмасини яратиш учун 3,7 триллион сўм ажратилади.

Қолаверса, туризм салоҳияти юқори бўлган 150 та маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун 450 миллиард сўм, 400 та маҳаллани қамраб олувчи 50 та микросаноат марказларини ташқил этишга 150 миллиард сўм қўшимча маблағ йўналтирилади.

ҲАМКОРЛИК

СЕМИНАР

Меҳр тафтини маҳалладаги ҳар бир аёл ҳис этади

“Аёллар дафтари” тизимининг 7-босқичига тайёргарлик кўриш ва уни амалга ошириш масалалари муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.



Асосий мақсад — эҳтиёжманд хотин-қизларга шунчаки бир марталик ёрдам кўрсатиш эмас, балки уларнинг доимий даромад манбаига эга бўлиши ва камбағалликдан халос бўлишига кўмаклашишдан иборатдир. Энг муҳими, жорий йилда ҳам “Аёллар дафтари” орқали 1 миллион нафар эҳтиёжманд хотин-қизга манзилли ёрдам кўрсатилади.

Унда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси мутасаддилари, ҳудудий ҳокимликлар, бошқармалар масъуллари иштирок этди. Қайд этилганидек, 2021 йилдан бери мазкур тизим асосида 4 миллион 538 минг нафардан зиёд эҳтиёжманд хотин-қизларга амалий ёрдам берилди. Биргина 2025 йилда 1 миллион 22 минг нафарга яқин хотин-қизлар ижтимоий кўмак олди.

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 17 октябрь кўни касаба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан бўлиб ўтган учрашувида “Аёллар дафтари” билан боғлиқ иккита муҳим вазифа илгари сурилган эди. Хусусан, “Аёллар дафтари” тизими доирасида Ўзбекистон

маҳаллалари уюшмаси ҳамда Касаба уюшмалари ҳамкорлиги янада мустаҳкамланиб, ишлар маҳалла даражасида манзилли ташқил этилади. Шу мақсадда икки тузилма ўртасида Ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Иккинчи вазифа, бу — “Аёллар дафтари” тизимини янада такомиллаштириб, эндиликда унга 5 та тоифа хотин-қизлар киритилади: ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз аёллар, тадбиркорлик қилиш истагидаги, уй-жой шaroитини яхшилашга муҳтож, тиббий ва психологик ёрдамга эҳтиёжи бор ҳамда ҳуқуқий ёрдамга муҳтож хотин-қизлар. Жараёнда аёлларнинг доимий даромад манбаига эга бўлиши, соғлигини тиклаши, руҳий ҳолатини яхшилаш, ҳуқуқларининг тикланиши каби янги турдаги ижтимоий ёрдамлар кўрсатилади.

Янги тартибга кўра, ҳар 10 та маҳаллага бир нафардан касаба уюшмаси ходими бириктирилади. “Маҳалла

еттилиги” анкета-сўровнома асосида хотин-қизларнинг барча йўналишдаги муаммоларини уйма-уй юриб ўрганади, уларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлик даражаси, яъни тоифасини аниқлайди. Шундан сўнг, “Аёллар дафтари”га киритиладиган хотин-қизларнинг рўйхати шакллантирилиб, “еттилик”нинг коллегиял қарори билан тасдиқланади.

Рўйхатлар тузилгач, ҳар бир хотин-қиз учун индивидуал дастур ишлаб чиқилади.Унда аёлларга кўрсатиладиган асосий ва қўшимча амалий ёрдамлар аниқ кўрсатилади. Бу жараёнда муҳим жиҳатлардан яна бири, бу — индивидуал дастур тасдиқланишидан аввал “дафтар”га киритилаётган аёлнинг ўзига кўрсатиб имзоланади.

Йиғилишда белгилаб берилган вазифаларни юқори савияда амалга оширишни таъминлаш борасида масъуллар ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдирди.

Хитой тажрибаси асосида маҳаллаларда камбағалликка қарши курашиш бўйича онлайн ўқув-семинар бошланди.

Тадбир Хитой Халқ Республикаси Қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ ишлари вазирлиги ҳузурдаги Халқаро камбағалликни қисқартириш маркази ҳамда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда юртимизнинг Хитой Халқ Республикасидаги элчихонаси ҳамкорлигида ташқил этилди.

Семинарда Хитойнинг етакчи эксперт ва олимлари, айни пайтда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раисининг маслаҳатчилари сифатида фаолият юритаётган — Фудан университетини профессори Ван Сяолин ва Пекин педагогика университети профессори Чжан Си маъруза қилиб, инфратузилмани ривожлантириш, ракамли технологиялар ва қишлоқ хўжалиги орқали аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича Хитой тажрибасини тақдим этди.

903 ТА “ОҒИР” МАҲАЛЛАДА ХИТОЙ ТАЖРИБАСИ ҚўЛЛанилади



Таъкидланишича, Хитой қисқа давр ичида 900 миллиондан ортиқ аҳолини камбағалликдан чиқаришга эришган. Ушбу тажриба маҳаллаларда барқарор даромад манбаларини яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўқув-семинарнинг асосий мақсади — Хитой тажрибаси асосида республикамизда мавжуд 903 та “оғир” тоифадаги маҳаллада камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича аниқ амалий чора-тадбирларни шакллантиришдан иборат.



ЯНГИ ҚОНУНГА КЎРА, ўзини ўзи банд қилган шахслар БҲМнинг камиди 1 баравари миқдориди ихтиёрий тартибда ижтимоий солиқ тўлаши белгиланди.



ТАДБИРКОРЛИК УЧУН РУХСАТНОМАЛАРНИНГ амал қилиши 10 кундан ортиқ, лекин 6 ойдан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб турилиши мумкинлиги белгиланди.



Эндиликда ўрмон фондининг фойдаланилмаётган ерлари электрон онлайн-аукцион орқали ИЖАРА ҲУҚУҚИ АСОСИДА берилиши мумкин.

**2026 йил
11 ФЕВРАЛЬ,
ЧОРШАНБА**

Mahalla №11

3

ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!

БИЗ — ТАДБИРКОР ОИЛАМИЗ!

“ЎЗ УЙИМДА ХОРИЖДАГИДАН КЎП ДАРОМАД ТОПЯПМАН”

Яқингача хорижга чиқиб ишлаш аксарият одамлар учун иқтисодий муаммоларнинг ягона чораси эди. Мен ҳам бир неча йил хорижда меҳнат қилдим. Миграцияда юрганимда темирчилик хўнари сирларини ўрганиб олдим. Кўп ўтмай, моҳир усталар каби мустақил ишлаш имкониятига эга бўлдим. Бир қарашда ҳаммаси яхши эди. Топишим ҳам бинойидек. Аммо яқинлар, фарзандлар соғинчи юртга қайтишга ундайверарди.

**Дониёр АЛИМҚУЛОВ,
Узун тумани
“Янги куч” маҳалласидан.**

Бир куни “маҳалла етиллиги” ходимлари мен билан боғланиб, оилам бағрига қайтиш таклифини билдирди. Сухбат орасида қизиқишим, қўлимдан нималар келиши ҳақида сўрашди. Темирчилик хўнари борлигини билгач, шу йўналишда иш бошлаш, бунинг учун кўмаклашишни маълум қилишди. Аввалига бу гапларга ишонмадим. Шунчаки курак ваъда, деб уйладим. Йўқ, бу сухбатдаги фикрлар ҳаётга кўчди. Илк бор маҳалла тизимидаги ўзгаришларни ўз тақдиримда ҳис қилдим, унинг мевасини тотиб кўрдим.



Менинг тадбиркорлик фаолиятим ҳам шу тарзда бошланди. Юртга қайтиб, ўз уйимда қадимий касб — темирчилик билан шуғулланишга киришдим. Таалабга қараб, дарвоза, панжара, эшик-ром ҳамда маиший анжомлар тайёрлаб, мижозларга етказиб бераман. Бу — нафақат оила бюджетига барқарор даромад келтиряпти, балки маҳалладаги ишсиз 3 нафар фуқаронинг бандлигини таъминлади. Темирчиликдан бир мавсумда 60 миллион сўмгача фойда оламан. Шу билан бирга, томорқадан унумли

фойдаланиб, сабзавот ва полиз экинлари етиштиряпман. Рўзгордан органини бозорда сотиб, 50-60 миллион сўм даромад қиламан. Яна чорвачилик билан шуғулланяпман. Оилада ҳеч ким бекорчи эмас. Хаммининг ўмуши бор. Мухими, ўз уйимда хориждагидан кўп даромад топяпман.

МЕНДА САВОЛ БОР...

ИШ ҲАҚИ КЕЧИКСА, СУД ОРҚАЛИ УНДИРСА БЎЛАДИМИ?



**Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.**

МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ

“ИНТИЛИШ, ҚАТЪИЯТ, ТЎҒРИ ЁНДАШУВ БИЛАН МУАММОГА ЕЧИМ ТОПЯПМИЗ”

Иш бор жойда камчилик, муаммо бўлиши табиий. Лекин уларнинг ечими йўқ эмас. Ҳар қандай мураккаб вазият, қийинчилик ёки тўсиқ инсонни изланишга, янги билим ва имкониятларни ишга солишга ундайди. Муаммога ечим топишнинг асосий омили — интилиш, қатъият ва тўғри ёндашув. Ана шу нуқтани топган, топа олганлар оиласини, маҳалласини бой қиялпти.



**Шухрат ТОЖИБОЕВ,
Бўстонлик туманидаги
“Думалоқ” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.**

Биргина ҳудудларни имконияти, шароитидан келиб чиқиб, ихтисослаштириш орқали янги иш ўринлари яратиш, камбағалликни қисқартиришга эришиш мумкин. Вилоятимизда бу борада яхши тажриба яратилган. Масалан, сўнгги пайтларда асаларичилик ривожлантирилипти. Чунки ҳудуднинг тоғли, қир-адирлари табиий иқлим шароити бунинг учун жуда қўлай. У жойлардаги шифобахш, ҳар дардга даво гиёҳлардан, гул чангидан йиғилган асал эса инсон учун жуда фойдали.

Асосий “ўсиш нуқта” — деҳқончилик, чорвачилик ва хизмат кўрсатиш бўлган. Эндиликда етти хазинанинг бири қўшимча “драйвер”га айланиб, тармоқ хўжалиги оммалашаяпти. Хорижлик ҳамкорлар билан инновацион асаларичилик хўжалиги кооперативи ташкил этилиб, ҳудуддаги 50 нафар асаларичи саноят усулида 20 турдаги маҳсулот олиш лойиҳасини амалга оширяпти.

ИШ БИЛАНГА БАЛЛИ!

АГАР ТЎҒРИ ОҚЛАНМАСА, ДАРАХТГА ОЗОР ЕТАДИ

Бу амалиёт қишлоқ хўжалигида кенг қўлланадиган агротехник тадбир ҳисобланади. У кўёшда куйишнинг олдини олиб, ҳашаротлар ва айрим касалликларга қарши қурашда ёрдам беради. Аммо бу иш нотўғри ёки ноқулай вақтда бажарилса, акс таъсир кўрсатиши эҳтимол катта.



**Шодмон НАМОЗОВ,
Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар
миллий маркази директори.**

Масалан, пўстлоқнинг ҳаво алмашишуви бузилади, жуда қалин суртилган ёки нотўғри тайёрланган эритма дарахт танасининг “нафас олиши”га халал беради, табиий химоя тизими заифлашади. Шунингдек, пўстлоқ юзасида яшовчи айрим фойдали микроорганизмлар зарар кўриши сабабли дарахт иммунитетини пасаяди. Агар оҳак меъёрдан ортиқ бўлса, айниқса, ёш кўчатларда пўстлоқнинг ёрилиши ёки куйиши кузатилади.

Нотўғри мавсумда бажариш ҳам салбий оқибатларга олиб келади. Жумладан, баҳорда кеч оқланса, ҳашаротлар туҳум қўйиб улгурган бўлади. Кузда эрта бажарилса, ёмғир ва қор таъсирида тез ювилиб кетади.

Энг мақбул вақт — қуз охири ёки эрта баҳор, янада аниғи, февраль ойи ҳисобланади. Бу жараёнда оҳак эритмаси 20 фоиздан ошмаслиги керак. Унга гил, елим ёки мис купуриси қўшиш мумкин.

Хулоса шуки, дарахтни оқлаш — фойдали агротадбир, аммо у илмий асосда, меъёрга амал қилинган ҳолда бажарилгандагина самара беради. Акс ҳолда, қўтилган натижа ўрнига зарар келтириши мумкин.

Ихтиёр МИРАБДУЛЛАЕВ. Нурота тумани:

— Хусусий корхонада оддий ходим сифатида меҳнат қилиб келаман. Ишдан четлатилмаган ҳолда тўланиши кечиктирилган иш ҳақини ундириш юзасидан судга мурожаат қилсам бўладими?

**Хуршидбек РАСУЛОВ,
Фуқаролик ишлари бўйича
Хўжабод туманлараро
судининг судьяси:**

— Албатта, бўлади. Бу масала Меҳнат кодексининг 244-моддасида тартибга солинган бўлиб, ходимларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасидаги кафолатлар белгиланган. Унга кўра, иш берувчининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, қонунчиликда шартномада белгиланган шартларга мувофиқ ходимларга бажарилган иш учун ҳақ тўлаш мажбурий экани кўрсатилган.

Шундан келиб чиқиб, кечиктирилган иш ҳақини ундириш юзасидан ходим ишдан четлатилган ҳолда мурожаат қилиши қонунда назарда тутилмаган. Яъни, у ишлаб турган вақтида ҳам иш ҳақини ундириш бўйича судга мурожаат қилишга ҳақли. Шунингдек, бу масалада корхонадаги меҳнат низолари бўйича комиссияга мурожаат қилса ҳам бўлади.

“Давлат божи тўғрисида”ги қонун талабига кўра, даввогарнинг иш ҳақи ундириш тўғрисидаги талаби бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинган.

Айрим мутахассислар барча дарахтларни оқлаш шарт эмаслигини таъкидлайди. Асосан катта мева дарахтларини оқлаш тавсия этилади. Манзарали ва ёш кўчатларни эҳтиётлаш лозим.



Ўзбекистонда айрим ўқитувчиларга **МИЛЛИЙ СЕРТИФИКАТ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ 50 фоизи қоплаб берилади.**



2025 йил давомида Ўзбекистонда **ЎАВО ТРАНСПОРТИ ОРҚАЛИ қарийб 9,7 миллион нафар йўловчи ташилган.**



Миллий статистика қўмитаси: 2025 йил давомида МУЗЕЙ ХИЗМАТЛАРИ НАРХЛАРИ ўртача 32 фоиздан ортиқча ошган.

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”

НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ

Машаққат меҳнатга бўлган муҳаббат билан енгиледи

Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос ривожланиш “драйвер”ини белгилаш жойларда аҳоли бандлигини таъминлаш, оила даромадини ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.



Машхура АЗИМОВА, Когон туманидаги “Ўба чўли” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Когон туманидаги “Ўба-чўли” маҳалласида истиқомат қилувчи Зилола Бафоева ана шундай ислохотлар самарасидан унумли фойдаланиб келаётган фаол тадбиркор аёллардан биридир. У ўтган йили ўз ташаббуси билан кўзиқорин етиштириш фаолиятини йўлга қўйиб, қисқа фурсат ичида дастлабки ҳосилларни олишига муваффақ бўлди. Бугунги кунда ушбу фаолият тури хонадон бюджетига барқарор даромад келтирмоқда. Шунингдек, Зилола Бафоева бир неча йил аввал паррандачилик йўналишида ҳам янги лойиҳа бошлаган. “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида маҳалла тавсияси билан ажратилган 33 миллион сўм миқдоридagi имтиёзли кредит эвазига бройлер жужаларини етиштириш йўлга қўйилди. Натижада қисқа муддатда ишлаб чиқариш ҳажми кенгайтирилиб, маҳаллий бозорларга сифатли парранда маҳсулотлари етказиб берилмоқда.

— Албатта, ҳар бир фаолиятнинг ўзига хос қийинчилиги ва масъулияти бор. Бироқ меҳнат натижасида олинаётган даромад ва унинг баракаси барча машаққатларни оқлайди, — дейди тадбиркор.

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

ОИЛА ТУТУМИДА АЁЛ ЗАКОВАТИ, МАТОНАТИ, МАҲОРАТИ ҲАМИША КЕРАК

Бир-бирини эшитишни, ҳатто кўришни истамаган эр-хотинни мурасага келтиришдан қийини йўқ. Тарафлар доим ўзини ҳақ, деб билганда, улар учун энг тўғри йўлни кўрсатиш эса малака ва тажриба талаб этади. Бу ҳақиқатни англаб етиш учун менга кўп вақт керак бўлмади.

Санобар ҒАНИЕВА, Самарқанд шаҳридаги “Кўшбақоли” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Етти йил аввал маҳалла тизимида иш бошлаган вақтим барчасини оддий ва содда тасаввур қилган эканман. Назаримда, атрофимдаги туртта кўшнимнинг муаммоларига ечим топсам бўлди эди. Лекин орадан бир ҳафта ўтиб, “еттилик” билан жанжал чиққан оиллага бордик. Ҳомиладор хотинига бақариб, қувалаётган эрни кўриб, йиғлаб юбордим. Шу ҳолатда ўзимни жуда ожиз ҳис қилдим. Идорага дардини айтиб келганларга кўшилиб сиқилдим, кўз ёш тўқдим. Лекин маҳалла раиси бу хато ёндашув экани, аслида, биз кучли ва матонатли бўлишга мажбурлигимизни тушунтирди. Ўша кундан ҳис-туйғуларимни бошқаришни ўргандим. Оилаларнинг бахтли турмуш кечиришини таъминлашда бу жуда муҳимлигини англадим. Қолаверса, атрофимга ҳудуднинг фаол ва тажрибали аёлларини тўплаб, яхлит бир жамоа туздим. Айни вақтда ўн битта кўчанинг кўчабошилари қайси хонадонда қандай муаммо борлиги ҳақида зудлик билан мени хабардор қилишади. Дардини қанча эрта даволаса, шунча шифо топиши осон кечганидек, оилавий келишмовчиликларни ҳам ортга суриб бўлмайди. Ота уйига аразлаб кетган келин келин муаммо борлиги ҳақида зудлик билан мени хабардор қилишади. Дардини қанча эрта даволаса, шунча шифо топиши осон кечганидек, оилавий келишмовчиликларни ҳам ортга суриб бўлмайди. Ота уйига аразлаб кетган келин келин муаммо борлиги ҳақида зудлик билан мени хабардор қилишади. Дардини қанча эрта даволаса, шунча шифо топиши осон кечганидек, оилавий келишмовчиликларни ҳам ортга суриб бўлмайди. Ота уйига аразлаб кетган келин келин муаммо борлиги ҳақида зудлик билан мени хабардор қилишади.



Турмуш доим бир текис кетмайди. Ҳар турли синов ва қийинчиликларни енгиб ўтиш билангина бахтга эришиш мумкин. Бунда аёлнинг ўрни ва маҳорати катта аҳамият касб этади. Эрнинг жаҳли чиққанда, сукут сақлай билиши, мулоҳазаларини билдиришда қўлай вақтни танлаши, ўзига оро бериб юриши, муомала маданиятига риоя қилиши юзага келиши мумкин бўлган кўплаб жанжалларнинг олдини олади. Доим оп-сингилларимиз билан учрашганда, шу каби маслаҳатларни кўпроқ беришга ҳаракат қиламан.



Яқинда иккита маҳаллани бирлаштирилиши натижасида ҳудудимиз кенгайди. Табиийки, иш қўлами ҳам анча ортди. Танимаган, билмаган оилалар билан ишлаш анча қийинчилик туғдирапти. Мисол тариқасида яқинда бўлган бир ҳолатни айтиб берсам. Турмуш қурганига атиги турт ой бўлган эр-хотин аразлашиб қолади. Уларни яраштириш учун кўп югурдим. Ҳар иккала тараф билан гаплашиб, муаммога ечим изладик. Лекин кўшниси ёнимга келиб, йигитнинг рухий жиҳатдан

соғлом эмаслиги, агар бирга яшаса, келинга зарар етказиши мумкинлигини айтганда, қанчалар чорасиз аҳволга тушиб қолганимни тасаввур қилолмайсиз... Ҳар оиланинг биз билган ва билмаган масалалари бўлади. Шунинг учун “еттилик” ходимлари лавозимга тайинланаётганда ўша ҳудуднинг ўзида истиқомат қилишига алоҳида эътибор бериш керак. Айниқса, хотин-қизлар фаолининг оилалар билан ишлашини ҳисобга оладиган бўлсак, бу жуда муҳим.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Ғолиб КАРИМОВ, Фарғона вилояти:

— Вояга етган фарзанд ота-онасини моддий жиҳатдан таъминлашга мажбурин? Агар шундай бўлса, унинг қандай шарт ва меъёрлари мавжуд?

Фарзанд ота-онага таъминот бериши шартми?

Мирзоҳиджон МИРЗААҲМЕДОВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Фарғона вилояти бошқармаси юрисконсулти:

— Қонунчиликка кўра, вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ота-онасига таъминот беришлари ва улар тўғрисида гамхўрлик қилишлари шарт. Агар улар моддий ёрдам беришдан буйин товласа, таъминот миқдори болаларнинг оилавий ва моддий аҳолини ҳисобга олган ҳолда суднинг ҳал қилув қарорига асосан белгиланади. Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалардан ундирилаётган алимент миқдори меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 11,75 фоизидан кам бўлмаслиги керак.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза РАҲИМХУҲАЕВА тайёрлади.

НУҚТАИ НАЗАР

Келинлар блогер бўлган, бахт меъёри бузилган кунда...

Бугун кимнинг қўлига қараманг, телефон. Ижтимоий тармоқлар ҳаммамнинг овуноғига айланган. Одамлар феъл-атвори ва қарашларидан келиб чиқиб, ўзига керакли маълумотларни кузатиб боради. Вазиятдан унумли фойдаланиб, ҳаётини бошқаларга кўз-кўз қилаётганлар ҳам талайгина. Бир қарашда улардан бахтлироқ киши йўқдек туюлади. Ҳафтасига у давлатдан бу давлатга саёҳат қилаётганлардан тортиб, янги уйи ва автоулови билан мақтанаётганларни айтмайсизми?!



Шаҳноза РАҲИМХУҲАЕВА, “Mahalla” муҳбири.

Аслида, бундай ҳашаматни бошқаларга намойиш этиш ички бўшлиқни ташқи безаклар билан тўлдиришга уриниш демак. Чиройли суратлар, қимматбаҳо совға ва шохона дастурхонлар ортида доим ҳам хотиржамлик ҳукм суравермайди. Сабаби, бахт — томоша қилинадиган нарса эмас, уни қалбдан ҳис этиш керак. Ўтган йили бир танишим ўғил уйлантирган эди. Тўй жуда ҳашаматли, тўкин-сочин тарзда бўлиб ўтди. Меҳмонлар келин-куёвнинг кетадар

Масаланинг янада ачинарли жиҳати, эл ҳурмат қиладиган, жамиятда ўз ўрни ва мавқеига эга кишиларнинг халқнинг кўз ўнгига шахсий масалалари бўйича беҳижолат жанжаллашаётганидир. Бу ҳолатни биз қўлига телефон тутқазиб қўйган 10 яшар боламиз мароқ билан томоша қилаяпти. Эҳ, яна нима дейиш мумкин, ҳайронман. Яна ҳаммасини виждонимизга ҳавола қилишдан бошқа чорамиз қолмади шекилли...

бир-бирига мос эканини такрорлаб чарчамасди. Ҳамма ёшларга чин дилдан бахт тилади. Орадан тахминан бир ойча вақт ўтгач, ўша танишимни кўчада учратиб қолдим. Сўхбат орасида янги келини ҳақида ҳам сўрадим. Бир лаҳзада унинг қиёфаси бутунлай ўзгарди. Оёқлари билан ер чи-зиб, болалари айро яшаётганини пичирлади. Кутилмаган жавобдан бироз ноқулай вазиятга тушдим. Сабабини сўрашга ботина олмай турганим, ўзи гапини давом эттирди. Хуллас, келин блогер экан. Ижтимоий тармоқдаги саҳифаси орқали ҳаётининг ҳар лаҳзасини оммага намойиш этаркан. Бу ҳам етмаганидек, у эридан худди бошқалар кўз-кўз қилаётган ҳаётни талаб қила бошлабди. Аввалига қимматбаҳо совғалар, бора-бора хорижга саёҳат қилиш истагига бориб тақабди. Яқиндагина катта сарф-харажат билан тўй ўтказган оила вакиллари бу вазиятда чорасиз қолди... Ён-атрофимизда бундай мисоллар жуда кўп. Кимнингдир оний лаҳзаларига ҳавас қилиш ортидан ўз турмушига пугур етказаятган ёшларга фақатгина ачинасиз. Аслида, бахтга ортиқча дабдаба ва ҳашамат билан эришилмайди. Айниқса, бировнинг хонадонига


келин бўлиб борган қиз, аввало, оила вакилларининг хизматини қилиши, уларнинг меҳрини қозониши керак эмасми? Ҳар йўлнинг бир машаққати бўлгани каби оила кўрғонини қуришда ҳам сабр ва меҳнат қилиш керак. Экранларда намойиш этилаётган ҳашамат ва ортиқча дабдалар ўткинчи. Инсон яқинларининг қадрига етиш, унга тақдим этилган имкониятлардан унумли ва ўз ўрнида фойдаланиш билангина хурмат ва эътибор қозонади. Қолаверса, “интернет юлдузлари” хориждан кўр-кўрона нусха олиб, бошқаларга намойиш этаётган янгидан-янги “party”лар халқимизнинг асрий анъаналари ва миллий менталитетига бутунлай зид. Турмушга чиқиб арафасидаги қизнинг дугоналари билан тунги кийимда фотосессия уюштириши ёки ҳомиладор аёлнинг туғилажак бола жинсини аниқлаш мақсадида уюштирган катта тадбири қачондан урф-одагга айланди? Шу тарзда ёт ғояларни одамлар орасида тарғиб қилиш қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида ким бош қотиради? Жимгина ўтириб, уларни кузатадиган бўлсак, яна қандай томошаларни кўра эканмиз? Наҳотки, бирор масъул шахс бу борадаги меъёрларни тушунтириб бера олмасми?!



“ЯНГИ АВЛОД” МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ЎЙИНГА АСОСЛАНГАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.



Бўш ер майдонларида ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА БОҒЧА ОЧИШГА РУХСАТ БЕРИЛАДИ.



Ўзбекистонда ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ АКАДЕМИЯСИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ.

**2026 ЙИЛ
11 ФЕВРАЛЬ,
ЧОРШАНБА**

Mahalla №11

5

“ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КўМАКЧИ

РАҚАМЛИ СТАРТАПЛАР

Хунар орқали ҳалол ризқ топиш мумкин, агарки қизиқиш ва астойдил меҳнат бўлса...

“Бир йигитга қирқ хунар оз”, дейди халқимиз. Бу гап шунчаки мақол эмас, ҳаётий ҳақиқат. Буни бугун кўплаб ёшлар мисолида, хусусан, 28 ёшли Музроб Жалиловнинг ҳаёт йўли орқали яққол кўриш мумкин.



Бугун маҳаллий хунармандчиликни ривожлантириш, туризми қўллаб-қувватлаш орқали ёшлар ўз маҳаллаларининг ободлиги, жозибadorлиги ва ривожига ҳисса қўшмоқда.

Мухриддин ЮСУПОВ, Шахрисабз туманидаги “Мираки” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Музроб кўпчилик қатори катта орзулар билан, аммо оддий шароитда иш бошлаган йигитлардан бири. У фаолияти-

ни битта оддий тикув машинасидан бошлади. Аввалига ўзи тикди, изланди, мижоз топди. Буюртмалар кўпайгани сари ишчи кучига эҳтиёж туғилди. Шунда у ёшлар етакчисининг кўмаги билан 570 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, яна бир нечта тикув машинасини харид қилди ва ёнига ишчи олди. Энг

қувонарлиси, бу йўлда унга онаси ва синглиси суянч бўлди. Оила бўлиб бошланган меҳнат бугун баракали натижа бермоқда. Бугунги кунда Музробнинг тикувчилик йўналишида кичик ҳудудда бошланган иши оилавий бизнесга айланди. Энг муҳими, бу нафақат ўз оиласи, балки ҳудуддаги бошқа

ёшларнинг ҳам бандлигини таъминламоқда. Ҳозир у турли нақшлар туширилган кийимлар, миллий либослар тикмоқда. Бу маҳсулотлар нафақат кундалик бозор, балки туризм соҳасига ҳам хизмат қилаётган маҳаллий брендга айланди. Бир кунда ўртача 250 тага яқин маҳсулот ишлаб чиқарил-

моқда. Бу эса ёшлар учун қўшимча даромад манбаи бўлиши билан бирга, хунар орқали ҳалол ризқ топиш мумкинлигини кўрсатаётир. Музроб тенгдошларига доим бир гапни айтади: “Ўйда ўтириб вақт ўтказгандан кўра, қизиққан ишининг синаб кўр. Меҳнат қилган одам, албатта, даромадга эришади”.

ҚУРИЛИШДА СИФАТ, ИЛМ ВА ҲАЛОЛЛИК БИРЛАМЧИ ОМИЛ БЎЛАДИ



Қурилиш қаерда бўлса, ҳаёт ҳам ўша ерда ривожланади. Уй-жой, мактаб, шифохона, йўл — буларнинг барчаси қурилиш маҳсулотларига боғлиқ. Шу боис “Қурилиш материаллари санواتини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори бу соҳада узоқ йиллардан бери тўлғаниб қолган муаммоларга аниқ ва ўйланган жавоб бўлди, десак, хато бўлмайди.

Шахноза ХАЛИЛОВА.

Энг аввало, қарор илм-фан ва ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилгани билан аҳамиятли. 2026 йил 1 январдан бошлаб, қурилиш маҳсулотлари соҳасида ишлаётган ёш олимлар учун хорижий илмий стажировкалар танлови эълон қилинади. Бу дегани, ёшларимиз чет элга чиқиб, замонавий технологиялар, янги материаллар ва илгор тажрибаларни ўрганади. Шунингдек, 2026-2028 йиллар учун 30 миллиард сўм миқдорида илмий лойиҳалар танловлари эълон қилиниши ҳам катта имкониятдир. Бу маблағлар қурилиш маҳсулотларини янада мустаҳкам, арзон, тежамкор ва экологик хавфсиз қилишга хизмат қиладиган лойиҳаларга йўналтирилади. Оддий қилиб айтганда, бозорга сифати яхши, одамлар ишонч билан ишлатадиган маҳсулотлар чиқиши кўзда тутилмоқда.



Қарорнинг яна бир муҳим жиҳати — сифатсиз ва хавфли қурилиш материалларига қарши кескин чоралар кўриляётганидир.

2026 йил 1 мартдан бошлаб, “Техник тартибга солиш” ва “Шаффоф қурилиш” ахборот тизимлари ўзаро боғланади ва хавфсизлик талабларига жавоб бермаган қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари ҳамда етказиб берувчиларининг электрон реестри юритилади. Бу реестр қоғоз учун эмас, ҳақиқий назорат натижаларига асосланади. Қурилиш объектида ўтказилган текширувларда аниқланган камчиликлар бевосита тизимга киритилади. Энг муҳими, хавфсизлиги талабга жавоб бермаган маҳсулот ишлаб чиқарган корхоналар давлат харидларида қатнаша олмайди. Бу жуда муҳим ҳисобланиб: “сифат бўлмаса — бозор ҳам йўқ”. **Натижада ҳалол ва масъулият билан ишлаётган ишлаб чиқарувчилар ютади, сифатсиз маҳсулот билан фойда қилишга ўрганиб қолганлар эса бозордан эса чиқарилади.**

Хулоса қилиб айтганда, бу қарор қурилиш маҳсулотлари санواتини фақат ривожлантириш эмас, балки уни тартибга солиш, тозалаш ва замон талабига мослаштиришга қаратилган. Илмга таяниш, рақамли назорат, шаффофлик ва қатъий талаблар — буларнинг барчаси охири-оқибат оддий одамлар учун хизмат қилади.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шахноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

ЎЙДА ЎТИРИБ, НАФАҚА УЧУН СТАЖ ЙИГИШ МУМКИНМИ?

Дилдора ХОЛБЕКОВА. Хоразм вилояти:

— Биз ёш оиламиз, ҳозирда уйда бола парвариши билан шуғулланаман. Келажақда нафақа олиш учун иш стажи йиғилишини хоҳлайман. Айтингчи, уйда ўтирган ҳолда, расмий равишда ишламай, нафақа учун иш стажи йиғиш мумкинми?



Муҳаммадмин КАРИМЖОНОВ, ҳуқуқшунос, адвокат:

— Уй бекалари, яъни ҳеч қаерда расмий ишламаган, уйда бола парвариши билан шуғулланаётган аёллар учун ҳам нафақага чиқиш имконияти мавжуд. Амалдаги қонунчиликка кўра, ёшга доир нафақага чиқиш учун камида 7 йил меҳнат стажи бўлиши шарт. Агар аёл киши ишламаган бўлса, бу стажни ихтиёрий тарзда шакллантириш мумкин.

Бу жараёнда турмуш ўртоғи аёли номидан ижтимоий солиқ тўлаб боради. Ижтимоий солиқ миқдори катта эмас, у базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараварига тенг бўлиб, ҳозирги ҳисобда бир йил учун тахминан 412 000 сўмни ташкил этади. Ушбу тўловни “Soliq” мобил иловаси орқали амалга ошириш мумкин.

Агар ижтимоий солиқ ҳар йили мунтазам равишда тўлаб борилиб, бу жараён 7 йил давом эттирилса, уйда ўтирган аёл учун 7 йиллик меҳнат стажи шаклланади. Натижада аёллар 55 ёшга тўлганда ёшга доир нафақага қонуний равишда чиқиш ҳуқуқига эга бўладилар.

БАНДЛИК БАРҲАМ ТОПАЙТИМИ?

Даромаднинг энг яхшиси, ўзинг, ўз қўлинг билан топганингдир

Когон шаҳрининг Мирзо Улуғбек номидаги маҳалласида истикомат қилувчи Зариповлар оиласи бугун ўз меҳнати ва ташаббуси эвазига барқарор даромад манбаига эга бўлмоқда. Оила фаровонлигининг асосий таянчи эса ёш тадбиркор Азамат Зариповнинг лимончилик йўналишидаги саъй-ҳаракатлари билан боғлиқ.



Умида СОЛИЕВА.

Азамат ўз хонадонидидаги 5 сотих ер майдонидан унумли фойдаланиб, иссиқхона ташкил этди ва оила аъзолари билан биргаликда лимон етиштиришни йўлга қўйди. Дастлабки босқичда у

тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш мақсадида маҳаллага мурожаат қилиб, имтиёзли кредит олиш истагини билдирди. Унга “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида 33 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди.

Бугунги кунда ушбу иссиқхонада йилга

ўртача 3 тонна лимон етиштирилади ва бу фаолият орқали Зариповлар оиласи 70 миллион сўм соф даромад топапти. Энг муҳими, бу ташаббус фақат бир оиланинг даромадини ошириш билангина чекланмай, маҳаллада кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик ривожига ҳам ижобий таъбир кўрсатапти.



Ўзбекистонда
ВЕНЧУР ФОНДИ
ТУШУНЧАСИ
ҚОНУНЧИЛИККА
КИРИТИЛАДИ.



Президент
қарорига қўра,
Сохибқирон
таваллудининг
690 йиллиги муносабати
билан ҳар йили апрель
ойида “АМИР ТЕМУР
ОЙЛИГИ” ўтказилади.



ҲОКИМЛИККА
НОМЗОДЛАР
коррупциянинг олдини
олиш бўйича
шахсий режасини
тақдим этади.

6

Mahalla №11

2026 ЙИЛ
11 ФЕВРАЛЬ,
ЧОРШАНБА

“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ



Юракнинг
оғрикли
ирмоқларидан
сизиб чиққан
кўзёшларни
артиш билан
дарддан фориг
бўлиш қийин.
Унга малҳам
керак, меҳр ва
мурувват зарур.
Бу ҳимматни
кўрсатиш
учун қалб
кенглиги ҳамда
инсонпарварлик
фазилатлари
жуда муҳим.

Қалбларга малҳам керак, меҳр-мурувват зарур

Бу дунёда кимнингдир
дардига малҳам бўлишдан
ортиқ бахт йўқ. Биргина
кўмак ва ёрдам билан
биронинг ҳаётига нур
ва қувонч кириб бориши,
ҳақиқатан, жуда ҳаяжонли.
Шу тарзда биз маҳалла
ходимларининг ҳар
қунимиз турли ҳис-ҳаяжон
ва шукроналик туйғулари
билан янада завқли ўтади.



ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚ —
ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ТАМОЙИЛИ

Авваллари ҳужжат ишларини
ҳал қилиш кўп вақт олиши
билан фуқаролар учун қатор
қийинчиликлар туғдиргани
сир эмас. Идораларда соатлаб
навбат кутиш, арзимаган
камчиликлар сабаб қайта ва
қайта масъулларга мурожаат
қилиш, ҳақиқатан, кишини
анча толиқтирган. Айниқса,
бу жараён ногиронлиқни
белгилаш масаласида ортиқча
оворагарчиликларни юзага
келтираётган эди.



БИР ЙЎЛЛАНМА ОРТИДАГИ МИНГЛАБ ТАҚДИРЛАР

Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА,
“Mahalla” мухбири.

Гулчеҳра ҚУРБОНОВА,
Оҳангарон туманидаги
“Овжазсой” маҳалласи
ижтимоий ходими.

Х аётнинг шу каби ҳақиқатларини одамлар билан ишлаш жараёнида тобора чуқурроқ англаб бораётган. Айни вақтда маҳалламизда истиқомат қилаётган 588 та оила вакиллари билан суҳбатлашиб, яна кўплаб тажрибалар эгалладим. Инсонлар ўргатган билимлардан эса уларнинг мушуқлини осон қилишда фойдаланяпман.

Худудимиздаги 47 нафар ногиронлиги бўлган фуқаронинг ижтимоийлашувини таъминлаш, фаол ҳаётга кадам қўйишига кўмаклашиш фаоллигининг асосий мақсадларидан бирига айланган. Бундан ташқари, “еттилик” ходим-

лари билан биргаликда эҳтиёжман оилаларга манзилли ёрдам кўрсатиб, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш доимий эътибор марказимизда.

Маҳалладошимиз Дилноза Ботирова икки нафар ногиронлиги бўлган фарзанд улғайтиряпти. Аёлга бироз бўлса-да ёрдам бериш мақсадида, ҳар икки ўғли учун махсус арава тақдим этилди. Шунингдек, оилага психологик ёрдам кўрсатилди, ҳомийлик асосида озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди ҳамда болалар адаптив спорт машғулотларига йўналтирилди.

Қолаверса, оила боқувчиси Алимардон Ботиров доимий

иш билан банд қилинди. Ки-чик қизи Муслима Қўшдавлатова эса имтиёзли навбат асосида мактабга таълим ташкилотига йўналтирилди. Бу хизматлар оила вакиллари билан янада хотиржам ва фаровон ҳаётини таъминлашга хизмат қилаётгани билан янада аҳамиятли.


Хайрулла Ботиров ногиронлиги бўлган кишилардан бири. У яшаш шароити оғирлиги боис “Камбағал оилалар реестри”га киритилган. Фуқаронинг муаммоларини ҳал қилиши унга ногиронлик арава-часи тақдим этишдан бошладик. Шу билан бирга, “Фаол ҳаётга кадам” дастури доира-

сида уйда парвариш хизмати йўлга қўйилиб, турмуш ўртоғи билан таъминланди. Утган йилнинг ноябрь ойида бир марталик моддий ёрдам ажратилиб, қизи Ақида Эгамбердиева касб-хунаро ўрганишга йўналтирилди.



Саҳифани
“Mahalla”
мухбири
Шаҳноза
РАҲИМХЎЖАЕВА
тайёрлади.

МЕНДА САВОЛ БОР...



КЕКСАЛАРГА ҚАРАБ, ҲОМИЛАДОРЛИК НАФАҚАСИ ОЛИШ МУМКИНМИ?

Гулмира БОТИРОВА,
Наманган вилояти:

— Қайнонам ва қайнотам 70 ёшдан ошган. Кун бўйи уларнинг хизматидаман. Шу йили фарзандли бўлишни режалаштирганмиз. Бундай ҳолатда менга “декрет” нафақаси тайинланиши учун нима қилсам бўлади?

Нодирбек ИМИНОВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Наманган
вилояти бошқармаси шўъба мудири:

— Сиз туман тиббиёт бирлашмасидан меҳнатга лаёқатсизлик варақасини олгунга қадар қайнота ва қайнонангизга қаровчи шахс сифатида ҳужжат расмийлаштиришингиз зарур. Сунгра ўзингизни банд қилганингиз учун давлат ижтимоий сугуртасига ихтиёрий бадал (меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 5 фоизи, яъни 63 550 сўм)ни ҳар ойда тўлаб борасиз. Меҳнатга лаёқатсизлик варақаси очилган кунда сугурта стажингиз камида 10 ой бўлса, сизга ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тайинланади.

Саховат ва мурувват чегара билмайди

Инсон тақдири
турфа синовлардан
иборат. Уларни
енгиб ўтиш, қийин-
чиликларга қарши
мардондор кура-
шиш эса биздан
кучли ирода ва ма-
нотат талаб қилади.
Қолаверса, ёни-
мизда ишончли ва
саховатпеша киши-
ларнинг борлиги-
ни ҳис қилиб яшаш
руҳий тетиклик
бағишлайди.



Маржон
ТОШМУРОДОВА,
Ижтимоий ҳимоя
миллий агентлиги
Сурхондарё вилояти
бошқармаси матбуот
котиби.

А нгор туманидаги “Қорабоғ” маҳалласида яшовчи, боқувчиси йўқотган Гулсин Менглиева ўз ҳаётида шундай ғамхўрлик эпикларини ҳис қилиб яшаётганлардан. Аёл шароити оғирлиги боис “Камбағал оилалар реестри”га киритилди.

Уйда ўзини ўзи банд қилиши учун субсидия асосида тикув машинаси тақдим этилди. Фарзандлари учун болалар нафақаси тайинланди. Улар ёзги оромгоҳда имтиёзли дам олди, тўғаракларга жалб этилди.

Шу маҳаллада истиқомат қилувчи 1 гуруҳ ногиронлиги бўлган Аслбек Тоғаймуродовнинг ҳаракатланиш билан боғлиқ муаммолари бор эди. Фуқаронинг ижтимоийлашувини таъминлаш мақсадида махсус арава берилди. Фарзанди кундузги парвариш хизматида жалб қилинди.

Маҳалланинг яна бир вакили Мамарасул Мўминов оиласида болалар нафақаси тайинланди. “Камбағал оилалар реестри”га киритилди. Унинг 1 гуруҳ ногиронлиги бўлган отаси Абдураим Мўминовга қараб туриш далолатномаси расмийлаштирилди, кўзи ожизлар ҳассаси берилди. Бундан ташқари, хонадон вакиллари хомийлар мунтазам ёрдам кўрсатяпти. Маҳалла ходимлари ташаббуси билан 10 фоизлик жамғарма ҳисобидан 1,5 миллион сўм моддий ёрдам ажратилди.

Саховат ва мурувват чегара билмайди. Унинг ҳар бир кўриниши алоҳида эътиборга молик. Сабаби, кўрсатилган кўмак ва ёрдам ортида инсонлар тақдири бор.

СИЗ ЁЛҒИЗ ЭМАССИЗ...

Лекин охириги вақтларда ногиронлиқни белгилашнинг ягона тизими жорий этилгани ҳамда рақамлаштириш ишларининг жадал олиб борилаётгани вазиятни тубдан ўзгартирди. Хусусан, хизматлар сифати ва қулайлиги сезиларли даражада ошган. Аризалар “my.gov.uz” платформаси, оилавий шифокорлар ва ижтимоий ходимлар орқали қабул қилинмоқда. Сўнги уч ойда 120 минг мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 95 фоизи оилавий шифокорлар орқали юборилган.

Энг муҳими, рақамлаштириш натижасида тиббий маълумотлар автоматлаштирилиб, кўрсаткичлар 6 тадан 33 тагача кўпайган. Ҳужжатларни расмийлаштириш вақти 2 соатдан 20-25 дақиқачага қисқарган. Фуқароларга янада қулайлиқ яратиш мақсадида зарур текширувлар бепул ўтказилмоқда. Олдин беморларнинг даволаниш муддати 120 кунни ташкил этган бўлса, энди касаллик турига қараб бу индивидуал тарзда белгиланапти. Энг аҳамиятлиси, тезкор ногиронлик белгилаш ҳолатлари 4,6 баравар ошган.



Шунга қарамай, айрим ҳудудларда йўлланмаларни ўз вақтида юбормаслик, ҳужжатларни тўлиқ расмийлаштирмаслик ҳамда қайтарилган материалларни кечиктириб топшириш ҳолатлари мавжудлигидан кўз юма олмаймиз.

Баъзан “маҳалла еттилиги” ходимлари қанча ҳаракат қилмасин, муаммоларга муносиб ечим топишга қиришмасин, ҳамкор ташкилотларнинг мурожаатларни ўз вақтида ҳал қилиб бермаслиги, бошқалар тақдирини нисбатан бефарқ ёндашуви, имкониётлардан ўз ўрнида ва вақтида фойдаланмаслик инсонларнинг қийналиб яшашига сабаб бўлаётгани кишини уйга толдиради.

Аслида, бу тизим инсонларни овора қилиш учун эмас, аксинча уларнинг ҳаётини энгиллаштириш мақсадида жорий этилгани барча маълум. Ҳар бир йўлланма ортида тирик инсон, унинг умиди ва ҳуқуқи турибди. Шунини унутмаслигимиз керак. Мақсад — ногиронлиқни белгилашда адолатли, тезкор ва инсонпарвар тизимни шакллантиришдир.



КўП КВАРТИРАЛИ УЙЛАРНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ янада такомиллаштириш бўйича Президент қарори қабул қилинди.



МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИДА ВАФОТ ЭТГАН ШАХСНИНГ жасадини олиб келиш харажатлари давлат ҳисобидан қопланиши белгиланди.



Талабалар ТРАКТОРЧИ-МАШИНИСТ ВА АГРОДРОН Фойдаланувчиси мутахассислигига ўқитилади.

2026 йил 11 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНБА

Mahalla №11

7

“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

Саломатликни сақлаш учун чипсга солиқ солинди

2026 йил 1 апрелдан бошлаб, Ўзбекистонда истеъмолга тайёр картошка чипсларига акциз солиғи жорий этилади. Янги тартибга кўра, ҳар 1 килограмм чипс учун 15 минг сўм миқдорда акциз солиғи ундирилади. Бу солиқни чипс ишлаб чиқарадиган корхоналар ҳамда уни хориждан олиб кирувчилар тўлайди.

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Бу қарор кўпчиликда савол уйғотди: нега айнан чипс ва нега хозир? Жавобни соғлиқни сақлаш сиёсати билан боғлаш мумкин. Сўнгги йилларда давлат болалар ва ёшлар саломатлигига жиддий эътибор қаратяпти. Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир неча бор чипс, газли ва энергетик ичимликлар, турли ширинликларни кўп истеъмол қилиш иммунитетни пасайтиришини, айниқса, мавсумий касалликлар даврида болалар учун хавфли эканини таъкидлаган.

Шу боис мактаб ошхоналарида чипс тайёрлаш ва сотиш аввалроқ тақиқланган эди. Янги акциз солиғи эса шу йўналишдаги сиёсатнинг мантиқий давоми ҳисобланади. Давлат бу орқали зарарли маҳсулотлар истеъмолини чеклашни, аҳолини, айниқса, болаларни соғлом овқатланишга ундашни мақсад қилган.

Акциз солиғи оддий солиқ эмас. У одатда жамият учун салбий таъсирга эга маҳсулотларга қўлланилади. Илгари алкоголь, тамаки маҳсулотлари ва ша-

карли ичимликларга қўшимча солиқ жорий этилган эди. Энди чипс ҳам шу рўйхатга қўшилди. Сабаби оддий: чипс таркибида ёғ, туз ва кимёвий қўшимчалар кўп, у тез одат ҳосил қилади ва мунтазам истеъмол қилинса, саломатликка зарар етказиши.

Янги солиқ, албатта, бозорга таъсир қилади. Ишлаб чиқарувчилар ва хориждан олиб кирувчилар харажатлари ошади, бу эса дўконларда чипс нархининг кўтарилишига олиб келади. Натижада истеъмолчи

ҳам ҳар доимгидек эмас, балки ўйлаб харид қила бошлайди. Давлат айнан шу орқали талабни камайтиришни кўзлапти.

Хулоса қилиб айтганда, чипсга акциз солиғи жорий этилиши ортида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, болаларни зарарли одатлар-

дан асраш ва соғлом турмуш тарзини рағбатлантириш гоёяси турибди. Қисқа муддатда чипс қимматлашиши мумкин, аммо узоқ муддатда бу қарор жамият саломатлиги учун ижобий натижа бериши кутилмоқда.



ТАРТИБ

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

ТАРТИБ-ҚОИДА БОР ЖОЙДА ТАДБИРКОР ҲАМ, ХАРИДОР ҲАМ ЮТҚАЗМАЙДИ

Чек сўрашдан уялманг, савдо шаффоф бўлади, солиқ тушуми ортади, маҳалла ривожланади



Ҳар тонг ишга маҳалламиз кўчалари бўйлаб бораман. Дўконлар очилади, новвойхоналардан иссиқ нон ҳиди келади, сартарошхоналар, кичик ошхоналар иш бошлайди. Бу жойларда нафақат савдо бўлади, балки одамлар ўртасидаги ишонч шаклланади. Мен солиқ инспектори сифатида ана шу ишонч савдо чекидан бошланишини ҳар кун тушунтириб келаман.

Шамсиддин МАМАДАЛИЕВ, Ангор туманидаги “Наврўз” маҳалласи солиқ инспектори.

Бугун савдо ва хизмат кўрсатишда онлайн назорат касса машиналари ва виртуал кассалар жорий этилган. Бу қўрилмалар орқали ҳар бир савдо расмий ҳисобга олинади ва харидорга QR-кодди, фискал белгили чек бе-

рилади. Бу — қонун талаби. Лекин мен буни, аввало, тадбиркор ва харидор манфаатини ҳимоя қиладиган восита, деб биламан.

Бир кун маҳалламиздаги кичик дўкон эгаси Анвар ака билан суҳбатлашдим. “Аввал чек бермасдим, барибир ўзимизникилар-ку”, — деди у. Аммо тушунтирдик: чек берилмаса, савдо яширин қолади, бу эса қонунга зид. Бугун Анвар ака ҳар бир харидорга чек бермоқда. Узи ҳам хотиржам, харидор ҳам ишонч билан келади.



Кўп ҳолларда одамлар пулни карта орқали бериб, ўтказиб ҳисобкитоб қилмоқда. Айрим сотувчилар: “Картадан картага ўтди-ку, чек шарт эмас”, деб ўйлайди. Бу нотўғри тушунча.

Тўлов қандай бўлишидан қатъи назар, ҳар бир савдо ёки хизмат учун чек берилиши шарт. Биз буни тушунтириб, амалда кўрсатиб бераймиз.

Маҳалламизда уйда пишириқ тайёрлаб сотадиган Холида опа бор. Дастлаб у ҳам онлайн кассадан чўчиди. “Майда савдо-ку”, деди. Аммо тушунтиришдан сўнг виртуал кассани ўрнатдик, чек чиқаришни ўргатдик. Бугун у расмий ишляпти, ўзи ҳам қувонч билан: “Ишим баракали бўлди”, дейди.

Бизнинг ишимиз фақат текшириш эмас. Асосий вазифамиз — кўмак бериш, йўл кўрсатиш. Аҳолига ҳам доим айтман: чек сўрашдан уялманг. Сиз чек олсангиз, савдо шаффоф бўлади, солиқ тушуми ошади, маҳалламиз, туманимиз ривожланади. Йўллар, мактаблар, боғчалар ҳам айнан шу тушумлар ҳисобига қурилади.

Бугун солиқ тизими жазоловчи эмас, балки тушунтирувчи ва ёрдам берувчи тизимга айланяпти. Маҳалламизда олиб борилаётган ишлар шундан далолат беради. Тартиб билан ишласак, ҳамма ютади.

“СОЛИҚ ТЎЛАШ — БУРЧИМ!”

АНИҚ РАҚАМЛАР УЧУН ИМТИЁЗ БЕЛГИЛАНГАН

Навбахор туманидаги “Кўхрон” маҳалласида яшовчи Нисора Шодиева меҳнатсевар ва ташаббускор аёллардан. У ўзини ўзи банд қилиш орқали оилавий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, хонадонда нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни бошлади.



Азиза ЖЎРАЕВА.

Маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси тавсияномаси асосида 100 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит олиб, ўшбу маблағ эвазига зарур жиҳозлар ва хомашё харид қилди. Бугун бу фаолият Нисора опа учун барқарор даромад манбаига айланган — у ҳар ой ўртача 4-5 миллион сўм фойда кўрмоқда. Шунингдек, тўплаган даромадидан солиқларни ўз вақтида тўлаб келмоқда.

Нисора Шодиева “Аёллар дафтари”га киритилган бўлса-да, ўз даромадлари бўйича қайтарилган 12 фоизлик даромад солиғини қайтариб олиш мумкинлигини тўлиқ тушунмаётганди. Маҳаллага бириктирилган солиқ инспектори вазиятни ўрганиб, Нисора опага тўғри йўналиш берди. Унга кўра, имтиёз ёки солиқни қайтариб олиш фақатгина белгиланган талаблар асосида амалга оширилади. Хусусан, декларацияда қуйидаги хатолар аниқланганди: “зарур ҳужжатлар тўлиқ илова қилинмаган; маблағлар имтиёз олувчи шахснинг ўзи томонидан тўланмаган; даромадлар бўйича ҳисоботлар тўлиқ акс эттирилмаган; солиқ суммаси “0” кўринишида юборилган”.



Солиқ инспектори бу камчиликларнинг барчасини бирма-бир тушунтириб, уларни қандай тўғрилаш лозимлигини амалий тўғрилаш билан кўрсатиб берди.

Натижада Нисора Шодиева ҳужжатларни қайта қўриб чиқиб, даромадларини тўлиқ кўрсатди, тўловларни белгиланган талабларга мослаштирди ва декларацияни тўғри шакллантирди. Солиқ ходимининг кўмагида хатолар бартараф этилди.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

СОЛИҚ ҚАРЗДОРЛИГИ УЧУН ЖАРИМА БОРМИ?

Камрон ЎРОЛБЕКОВ. Наманган вилояти:

— Мен мол-мулк ва ер солиқларини белгиланган муддатда тўлай олмадим ва қарздорлик юзага келган. Солиқ ташкилотлари бундай қарздорликни қандай тартибда ундиради? Менга нисбатан жарима, пеня ёки мажбурий ижро чоралари қўлланиладими?



Даврон ҲОШИМОВ, Давлат солиқ қўмитаси қатта инспектори:

— Агар яққа тартибдаги тадбиркор бўлмаган жисмоний шахс мол-мулк ва ер солиқларини белгиланган муддатда тўламаса, Солиқ кодексига мувофиқ, солиқ қарзи юзага келади. Бундай ҳолатда, умумий қарздорлик 1 миллион сўмдан ошса, солиқ ташкилоти қарзни ундириш тўғрисида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Аслида, солиқ ташкилотлари ҳар йили 1 мартдан кечиктирмай, жисмоний шахсларга ҳисобланган мол-мулк ва ер солиқлари бўйича тўлов хабарномасини етказиши шарт. Ушбу хабарномалар солиқ тўловчига имзо қўйдирилган ҳолда, солиқ тўловчининг шахсий кабинетига орқали электрон тарзда, уяли телефон рақамига SMS-хабарнома сифатида ёки “Soliq” мобиль иловаси орқали юборилади.

Шунингдек, жисмоний шахслар учун йиллик ҳисобланган мол-мулк ва ер солиқлари тенг улушларда, яъни 15 апрель ва 15 октябрга қадар тўланиши лозим. Агар солиқ тўловчи белгиланган муддатларда солиқларни тўламаса, қарздорлик учун пеня ҳисобланади ва қонунда назарда тутилган тартибда мажбурий ундириш чоралари қўлланилиши мумкин.



Ўзбекистонда янги қуриладиган кўп квартиралли уйларда ВИДЕОКУЗАТУВ ВА ДОМОФОН ЎРНАТИШ мажбурий бўлади.



Метрополитенда ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЛАБЛАРИНИ БУЗГАНЛИК учун жавобгарлик белгиланди.



“ONEID” ТИЗИМИДА шахсий маълумотларни бошқа тизимларга (банк, молия, суғурта, телекоммуникация ва бошқалар) тақдим этиш ёки чеклаш имконияти яратилди.

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА, ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”



Жиноят жиловландими, адашган тўғри йўлга қайтдимми, деган савол ҳамيشа ҳушёрликни оширади

ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

Сўнгги 4-5 йилда маҳалладаги ўзгаришлар профилактика инспекторлари фаолиятини ҳам янги босқичга олиб чиқди. Эсинда, яқин-яқингача ишмиз қолди, асосан, мажлислар, иш фаолиятимизга тааллуқли бўлмаган вазифалар, йиғилишларда вақтимиз ўтardi.

Бунинг натижасида жиноятларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш урнига ташкилий ишлар билан банд бўлар эдик. 2023 йилда “қизил” тоифада бўлганимизнинг ўзиёқ асл ҳолат, ҳақиқий манзарани кўрсатиб турибди. Кейинги 3 йилда ижобий ўсишга эришдик. Жиноятлар камая бошлади. Чунки...

Айнан шу йили Президентимиз Фарғона вилоятига ташрифлари чоғида ҳудуддаги камчиликларни кескин танқид қилиб, вазиятни ўнглашга доир тавсиялар берган эди. Ушбу топшириқ, кўрсатмалар асосида куч ва воситаларни қайта тақсимлаб чиқдик. Натижада аҳвол яхшиланди. Мисол учун, 2023 йилда 33 та олдини олиш мумкин бўлган жиноят содир этилган, 2024 йилда 23 та ва 2025 йилга келиб, бу рақам 4 тага тушишига эришдик.

Албатта, рақамлар ортида “еттилик”нинг тинимсиз меҳнати ҳамда тўғри ташкил этилган бошқарув тизими турибди. Аввало, мажлисбозлик тугатилди. Олдинлари йиғилишлар бизни кўп вақтимизни олар эди, эндиликда эса раҳбарият топшириқлари онлайн тарзда, қисқа вақтда тақсимланаяпти. Шундан келиб чиқиб, фуқаролар мурожаати билан ишлаш имкониятимиз ошди.

Бобуржон АКБАРОВ,
Кўкон шахридаги
“Нурафшон” маҳалласи
профилактика
инспектори.

Умуман, бизга барча шароит яратилган, хизмат хоналари зарур техник жиҳозлар билан таъминланган. Ҳудудда 70 дан ортиқ камера ўрнатилиб, “Қалқон” тизимига интеграция қилинган. Бундан ташқари, қўриқлаш ва пост-патруль хизмати ходимлари бириктирилиб, улар туну кун ҳудудда навбатчилик ташкил этилди. Рақамлаштириш соҳасида ҳам ишлар олиб борилиб, аҳоли “Менинг инспекторим” иловасига уланди.

Аммо, ҳозирги ҳолатимиз билан мақтана олмаيمиз. Ҳа, биз “оғир” тоифадаги маҳалладан “сарик” тоифага ўтдик. Лекин жиноят тўла жиловланмади, жиноятчилик тугатилмади. Демак, қайсидир жаҳада бўшлиқлар бор. Шу боис ҳар кунлик иш якунида ўзимга ҳисобот бераман. Бугун қайси жиноятнинг олдини олдик, қайси адашганини тўғри йўлга қайтардик, деган саволларга жавоб излайман. Асосий эътибор, жиноят содир этилганидан кейин уни аниқлашга эмас, балки жиноят ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўймайлик, уларни олдини олишга қаратилган. Бундан маҳаллани жиноятлардан холи ҳудудга айлантириш имкониси.



Ушбу сон саҳифаларидаги барча мақолалар матнини мусаххих Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.

Президент раислигида Тошкент шаҳрида хавфсиз муҳитни шакллантириш ҳамда жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш буйича намунавий амалиётни яратиш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилиши бу борадаги фаолиятимизни қайта кўриб чиқиш заруратини кўрсатди. Шунга кўра, маҳаллада тинч муҳитни яратиш учун илмий таҳлилдан аниқ амалий ечимларга ўтиш йўлга қўйилди. “Илмий ҳулоса — тавсия — натижа” тамойили асосида “хонадонбай” юриб, маҳалладаги криминоген вазият мажмуавий ўрганилмоқда.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.

Жамоатчилик таъсири қонун “қамчиси”дан енгил, аммо самарали

Жиноят кодексининг 276-моддаси 1-қисмида гуёҳвандлик воситалари (жумладан, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларнинг ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, эгаллаш, ташини ёки жўнатишга доир қилмиш назарда тутилган.

ИЛЛАТНИНГ ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?

Жазо ҳам шунга яраша, яъники, судья иш ҳолатларидан келиб чиқиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима, уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ёки уч йилгача ахлоқ тузасти ишлари, бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш, уч йилгача озодликдан маҳрум қилишдан бири танлайди.

Пойтахтнинг Яққасарой туманидаги “Беларик” маҳалласида ўтган сайёр судда жиноят ишлари бўйича Яққасарой тумани суди судьяси Азимжон Ҳақимов худди шундай қилмиш содир этган А.С.нинг “иши”ни кўриб чиқиб, унга базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баравари миқдорда жарима жазоси тайинлади.

Иккинчи сайёр суд ишида муҳокама қилинган Ф.Р.га нисбатан юриштирилган фирибгарлик (Жиноят кодекси, 168-модда, 3-қисми “б” банди)ка оид жиноятга баҳо берилди. Бунинг учун базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима, икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузасти ишлари ёхуд муайян ҳудуддан маҳрум этилган ҳолда беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоларидан бири нақд. Шундан келиб чиқиб, судланувчига 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузасти ишлари жазоси тайинланди.

Сайёр суд муҳокамасида қўрилган ишлар қандай жиноятлар экани маълум, шу боис тафсилотига ҳолат йўқ. Фақат тайинланган жазога муҳтасар изоҳ кераки, икки судланувчи ҳам ёш, ҳали оила қурмаган, қилмишига тавба қилиб турибди...



Бировнинг “молини туя қилгани” эса етказилган зарарларни қоплаб улгурган. Шу ва шу каби омилардан келиб чиқиб, суд уларни панжара ортига юбормади, шунингдек, ортиқча мурувват ҳам кўрсатилгани йўқ. Жазодан норози бўлса, бемалол шикоят қилиши мумкин.

Гап бунда эмас ҳозир. Жиноятнинг ҳуқуқий оқибати — масаланинг бир жиҳати, холос. Жазонинг маънавий-ахлоқий ва тарбиявий жиҳатлари ҳам бор ва бунда жамоатчиликнинг иштироки ва ўрни алоҳида. Шу боис айрим турдаги, хусусан, юқоридаги ишлар жамоатчилик иштирокида кўриб чиқилмоқда.

Шундай экан, сайёр суд муҳокамалари килмиш содир этган шахсни “сазоий” қилиш эмас, бошқалар учун сабоқ, шунингдек, жиноят профилактикасининг ажралмас қисми, деб тушуниш ва тўғри тушунтириш ҳам керак. Зотан, тарбияга жамоатчиликнинг таъсири қонун “қамчиси”га қараганда бироз енгил, аммо самаралироқ эканини тажрибалар кўрсатиб турибди...

Тошкент шаҳар суди ахборот хизмати маълумотлари асосида тайёрланди.

Фирибгарлар номингизга онлайн кредит олганда...

энди маблағ сиздан ундирилмайди

Рўйхатга олинган янги низомга кўра, фирибгарлик натижасида номингизга онлайн кредит расмийлаштирилган фуқаро ҳуқуқий тартибда жабрланувчи деб эътироф этилганда, ундан мазкур кредит ва у билан боғлиқ фоизларни ҳисоблаш ҳамда ундириш тўхтатилади.

БИЛАСИЗМИ?

Адлия вазирлиги Марказий банк билан биргаликда “Кредит ва тўлов ташкилотлари, тўлов тизими операторлари томонидан жисмоний шахсларга масофадан молиявий хизматлар кўрсатишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда фрод ҳолатларининг олдини олиш буйича минимал талаблар тўғрисида” ги низомни давлат рўйхатидан утказди.

Унга кўра, кредит ташкилоти фирибгарлик (фрод) ҳолати натижасида номига онлайн кредит расмийлаштирилган фуқаро, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ақримига асосан

жабрланувчи деб эътироф этилганда, мазкур онлайн кредит ва у билан боғлиқ фоизларни ҳисоблашни ҳамда ундан ундиришни тўхтатилади. Кредит ташкилоти онлайн кредит ажратишда фрод ҳолатини содир этган шахсдан етказилган моддий зарарни регресс тартибида ундириши мумкин. Шунингдек, ҳолатга шубҳа қилганда қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилиш ваколатига эга.

Суриштирув, дастлабки тергов натижалари ёки суднинг қарорига асосан фрод ҳолати юз бермагани аниқланганда, кредит ташкилоти асосий қарз ва у билан боғлиқ фоизларни ҳисоблашни ҳамда ундиришни давом эттиради.



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси
Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер: Лазиз Мейликов Шероз Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ
Таҳририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарк» НМАК Босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 8 850 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-220
ISSN 2020-7013
9 772013 701006